



ШХТНИНГ ОСТОНА САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 июнь кунлари Остона шаҳрида ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида иштирок этди.

Саммит 9 июнь кун Остона шаҳрининг Мустақиллик саройида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда ШХТ ва унинг тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-ярғоқ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ШХТнинг сўнгги саммитида қилинган масалалар — Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-технавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг қўламли масалаларни кўриб чиқилди.

ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар ижросига эътибор қaratилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа ва Непалга ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари мақоми берилган эди.

Давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида кузатувчи мақомидаги мамлакатлар делегациялари раҳбарлари — Афғонистон Ислום Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Мўғулистон Республикаси Президенти Цахиагийн Элбэгдорж, Покистон Ислום Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Эрон Ислום Республикаси ташки ишлар вазири Мухаммад Жавад Зариф иштирок этди. Мажлисда ШХТ Бош котиби Рашид Алимов, ШХТ Минтақавий аксептатор тузилмаси ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев қатнашди. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия котиби Сергей Лебедев, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби ўринбосари Аманжол Жанқулиев, АСЕАН Бош котиби Ле Лионг Мин иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш бутун минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистон Афғонистонда тинч ва оқсоишта ҳаётни тиклаш бўйича афғон халқи ва халқаро ҳамжамият сый-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди.

Ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, қомил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Самарқанд шаҳрида Ислום ҳамкорлик ташкилоти кўмағида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир. Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доира-сида кенг қўламли лойиҳаларни ҳамкор-ликда амалга оширишга биз алоҳида аҳамият қаратамиз.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига қисқа йўллар орқали чиқиш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ давлатлари темир йўл соҳа-си раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

ШХТ марказлари — халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритувчи институтларини

таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни тақдир қилди.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислום Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди.

Остона саммитида Ҳиндистон ва Покистон ташкилот аъзоллигига қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзоси мақомига эга бўлиши Ташкилот имконият-ларини кенгайтириб, халқаро майдонда долзарб муаммоларни ҳал этиш, минтақа ва дунёда хавфсизлик, барқарор тараққиётни таъминлашда кўп томонлама механизм сифатида Ташкилот ролини янада оширишга хизмат қилади.

ШХТга аъзо давлатлар халқаро тер-роризм, сепаратизм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик ва психотроп моддалар ва уларнинг прекур-сорлари ноқонуний айланishi, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол, изчил курашмоқда.

Саммит иштирокчилари ШХТ Ишбилармон-лар кенгаши ва Банклараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳолади. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни, хусу-сан, макроиқтисодий ва молиявий барка-рорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлан-тириш, саноат инфратузилмаларини модер-низация қилиш, сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомил-лаштириш, ишбилармон доиралар ва молиявий тузилмалар ўртасида бевосита алоқаларни кенгайтириш орқали ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш тавсия этилди.

Саммит якуни бўйича Остона декла-рацияси қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлан-тиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев билан учрашувда бу галги мулоқот дав-латларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим босқич бўлиши, Самарқанддаги учрашувда эришилган қелишувларни мазмунан бой-тишини таъкидлади.

Алмазбек Атамбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг азалий қардошлик муноса-батлари, урф-одат ва анъаналари ўхшашиги ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим омили бўлаётганини қайд этди.

Кейинги пайтларда икки давлат ўртаси-даги алоқалар сезиларли даражада фаол-лашди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар алмашинуви амалга оширилмоқда. Мамлакатларимиз жамоатчилиги вакилларининг Андижон ва Ўш шаҳарларида ўзаро таширифи бўлиб ўтди.

Президентлар сиёсий мулоқотни янада фаоллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди. Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазири Ҳиндистоннинг ШХТ аъзоллигига қабул қилингани муносабати билан табрик-лади.

Президентимиз мазкур учрашув Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг 2016 йил мамлакатимизга амалга оширган таширифи давомида эришилган қелишувлар ижросини муҳокама қилиш ва ҳамкорликнинг истиқ-болларини белгилаб олиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳиндистонни ШХТга аъзолликка қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қатъий қўллаб-қувватлаб келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Ушбу тарихий воқеа ўзаро ҳамкорлик муносаба-ларини янада ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвести-ция соҳаларида минтақавий муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишини қайд этди. Мамлакатларимиз

ўртасидаги алоқалар бундан кейин ҳам изчил ривожланиб боришига ишонч бил-дирди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик маса-лалари кўриб чиқилар экан, 2016 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 15 фоиз ўсиб, 366 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани таъкидланди. Бироқ бу кўрсаткич икки давлат салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва таркибини диверси-фикация қилиш учун улкан салоҳиятга эга.

«Навий» эркин иқтисодий зонасида «Минда» компанияси билан автомобиллар бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш, «Новафарм» ва «Ультра Хелс Кеар» компаниялари билан Сурхондарё вилоятида дори-дармон ва Тошкент вилоятида инъекция препаратлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил этилгани икки давлат ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликка ёрқин мисолдир.

Биргаликда дастурий маҳсулотлар яратиш ва телекоммуникация ускуналари, мева-сабзавот, пилла ва чармни чуқур қайта ишлаш, экспорт учун тайёр маҳсулотлар, автомобиль эҳтиёт қисмлари, электротехника маҳсулотлари, маиший кимё товарлари ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқариш каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Испания Қироли Филипп VI билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик муносаба-тлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлади.

Олти аср муқаддам Соҳибқирон Амир Темур ва Кастилия қироли Энрике III ташаббуси билан Самарқандда ва Кастилия пойтахти Сеговияда элчионалар очилган. Ўзаро ҳамкорликнинг бугунги юксак даража-сига Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислום Каримов ва Испания Қироли Хуан Карлос I ўртасида қарор толган яқин муносабатлар туфайли эришилди.

Шавкат Мирзиёев ва Филипп VI ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқбол-ларини муҳокама этиб, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Томонлар давлатлараро алоқаларни кенгайтиришда олий даражадаги мулоқот муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ташки сиёсат маҳкамаларининг мунтазам масла-хатлашувлари нафақат долзарб минтақавий ва халқаро сиёсат масалалари бўйича фикр алмашиш, балки турли даражадаги келгуси учрашувлар жадалли ва қўн тартибини ишлаб чиқиш ҳамда қелишиш имконини бермоқда.

Давлатлараро муносабатларнинг муҳим

бўғини бўлган савдо-иқтисодий ва инвестициявий, транспорт соҳаларида ҳамкорлик-ни ривожлантириш масаласи ҳам томонлар диққат марказида бўлди.

Савдо соҳасида ўзаро қўллаб қулайликлар яратилиб, сезиларли даражада, яъни жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида тўрт баробар ўсишга эришилганига қарамасдан, бу борадаги кўрсаткичлар имконият даражасида эмас. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш ва таркибини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон билан Испания бунинг учун барча имконият ва салоҳиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон мамлакатимизда Испания бизнесининг, хусусан, нефть-газ, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, пардоз-лаш материаллари ва сопол маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида юқори техноло-гияли корхоналар ташкил этиш бўйича қўша лойиҳаларни амалга ошириш орқали кенгайтиришдан манфаатдор.

Испания туризм соҳасида улкан натижа-ларга эришган ва бу борада жаҳон миқёсида илгор тажрибага эга. Шу муносабат билан томонлар ушбу соҳада узоқ муддатли тизимли ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини муҳокама қилди.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукумат-лараро қўша комиссия ташкил этиш ва унинг дастлабки мажлисини шу йил Тошкент-да ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЭКСПО — 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўр-газманинг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга таширифи ниҳоясига етди.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Остона — Тошкент.

ЭКСПО — 2017

ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАДА

Остона, 9 июнь. ЎЗА махсус мухбири Бекзод ҲИДОЯТОВ хабар қилади.

Дунёда шундай спорт мусобақалари, маданий кўрик-танловлар бор: футбол бўйича жаҳон чемпионати, олимпиада ўйинлари, Formula 1 мусобақаси, Евровидение кўшиқлар танлови... Булар маълум вақт давом этиб, ер юзига тинчлик уруғини сочди, жаҳон халқ-ларини бирлаштирди, инсониятга ўзаро тажриба алмашиш учун қулай шароит яратди.

Саноатлаштириш рамзи, техник ва технологик ютуқлар намойиши учун очиқ платформа ҳисобланган бутунжаҳон кўргазмаси — ЭКСПО 93 кун давом этиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкор-ликни янада ривожлантиришга ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Халқаро кўргазмага бу йил Остона шаҳри мезбонлик қилмоқда. ЭКСПОнинг расмий очилиш маросими 2017 йил 9 июнь кунини ўтказилди.

Биринчи жаҳон кўргазмаси Буюк Британия шахзодаси Альберт ташаб-буси билан «Hyde Park»да ўтказилган. Жозеф Пакстон томонидан ушбу богда темир ва шиша ёрдамида доира шаклида бунёд этилган «Биллур сарой» барчанинг диққатига сазовор бўлган. 1928 йилда Халқаро кўргазма ўтказиш тўғрисида конвенция имзоланган. Халқаро кўргазмалар бюроси (ХКБ) бошқарув органи ҳисобланади. Уни ўтказиш тартибига кўра (универсал, халқаро, ихтисослаштирилган) уч ойдан олти ойгача давом этади.

Ҳозирга қадар 35 мартабада ўтган кўргазмага Болгария, Испания, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хитой, Италия, Туркия сингари мамлакатлар мезбонлик қилган. Аънавий ўтказиб келинаётган ЭКСПОнинг нуфузи, маъқеи йилдан-йилга юқалиб, унда иштирок этишни истаган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ЭКСПО — 2017 кўргазмасида Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Ҳиндистон, Вьетнам, Арманистон, Покистон, Озарбайжон, Беларус, Куба, Туркменистон, Руминия, Бразилия сингари 120 дан зиёд давлат ўзининг технологик, илмий, маданий ютуқларини намойиш этмоқда. Шунингдек, 20 дан ортиқ халқаро ташкилот иштирок этмоқда.

ЭКСПО — 2017 халқаро ихтисослаш-тирилган кўргазманинг асосий мавзуси «Келажақ энергияси» деб номланган бўлиб, сайёрамизга катта таъсир кўрсатаётган энергия истеъмоли

муаммоси жаҳон ҳамжамиятини таш-вишга солаётганини ўзида акс эттиради. Унинг моҳиятини «Углерод диокси-ди чикариши қисқартириш», «Энергия — самарадор турмуш тарзи», «Энергия барча учун» сингари мавзуларда ўтказиладиган семинарлар очиб беради.

Қозоғистон Республикаси кўргазмага пухта тайёргарлик кўрган. Илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда бунёд этилган мовий ранг сфера узокдан кўзга ташланади. «Остона ЭКСПО — 2017» кўргазма мажмуи ана шу сферанинг атрофига жамланган. Умумий майдони — 174 гектар. Бу ерда жами 36 объект жойлашган.

Мовий ранг сферанинг сўл қисмида Ўзбекистон байроғи мағрур ҳилпираб турибди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарил-ган маҳсулотларнинг намойиши учун икки қаватли бино ажратилган. Кираверишда GM Uzbekistan маҳсулоти — Cobalt автомобили қўйилган. Павильон асосий эшигининг тепа қисмига йирик монитор ўрнатилган. Унда мамлакатимизнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари, миллий урф-одат ва анъаналари, иқтисодий салоҳияти, туристик масканлар, диёри-мизда етиштирилган сархил мевалар намойиш этилмоқда.

Ўзбекистон павильонининг биринчи қавати 630 квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда қуёш, шамол ва сув, яъни келажақ энергияси маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Биласиз, табиатга зарар етказмай унинг неъматларидан оқилона фойда-ланиш, сув, газ ҳамда электрни тежаш, атроф-муҳит мусоффолигини таъмин-лаш, экологик муаммоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади. Электр энергиясини тежашда қуёш энергиясини қўллаш усули кўл-қалади. Масалан, ҳозир автомобил-ларни юргизишда махсус аккумуля-тордан фойдаланилади. Мамлакатимиз павильонидан ўрин олган қуёш энер-гияси стендида 2030 йилда автомобил-ларни қуёш нури ёрдамида қандай қувватлантириш мумкин экани намойиш этилмоқда. Бу кўргазма иштирокчи-ларида катта қизиқиш уйғотаётди.

Умумий майдони 550 квадрат метрни ташкил этган иккинчи қаватда мамлака-тимизнинг транспорт ва логистика, туризм соҳалари ҳамда озиқ-овқат, вино ва шарбат тайёрлаш саноатида эришил-ган ютуқлар, миллий таомларимиз намойиш этилмоқда.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан СЕРГЕЛИДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ



ЭЛЕКТОРАТ МУРОЖААТЛАРИ

жиддий эътибор билан ўрганилиши керак

Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, одамлар билан елкама-елка туриш, уларни рози қилиш бугун кун тартибидан ўрин олган энг муҳим масалалардан бири. Фуқароларни нима ўйлантираётган, улар кўпроқ нимага эътиёж сезаяпти? Ушбу саволларга жавоб топиш учун аҳоли билан мулоқот қилиш, уларни тинглашимиз зарур.

Айтиш керакки, партияимиз тизимида ушбу йўналишда муайян тахриба тўпланган. Электрат вакиллари ҳуқуқий маслаҳат беришда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда партия кенгашлари қошида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга партия бошланғич ташкилотлари, вилоят, туман ҳамда шаҳар кенгашлари, партия гуруҳлари эътибори кучайгани электрат ишончини қозонишининг асосий омилларидан бирига айланди.

Ҳар бир мурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди, қолганларига юридик маслаҳатлар берилди. Биргина жорий йилнинг ўтган беш ойи давомидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига назар ташласак, бунга яна бир бор амин бўламиз.

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига январь-май ойларида 350 га яқин мурожаат тушди. Уларнинг катта қисми коммунал хизмат, ўз иштини йўлга қўйиш, ишга жой-

лари орқали масала ижобий ҳал этилди.

Шофиркон туманидан Зафар Ражабов ишга киришда ёрдам сўраб келди. Туман партия кенгаши раиси Баҳром Нейматов ва депутатларимиз кўмағида у туман қурилиш ва сервис касб-хуна колледжига ишга жойлаштирилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш

тимиз фаолиятига қизиқиш ва ишончи ортиб борапти. Аслида ҳам ҳар бир партия ташкилоти унга ишонган, қўллаб-қувватлаган кишилар манфаатини ҳимоя қилишни, уларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишни нафақат ўз вазифаси, балки бурчи, деб билиши керак.

бу ҳолат юзага келган. Ҳар бир туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, депутатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятининг партия ҳаётидаги ўрни, электрат манфаатини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини етарли даражада тушуниб етиб, ўз иштини ижобий томонга ўзгартириши талаб этилади.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, жойларда кўнма қабулхоналар ташкил этиш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда партия гуруҳларининг фаоллиги, талабчанлиги ошиши зарур. Партия кенгашлари раислари «бу мурожаат депутатга тушган, уни ҳал этишга ўзи масъул», деган нотўғри фикрдан воз кечиши керак.

Шунингдек, депутатлик сўрови имкониятидан фойдаланиш, бунда мутасадди ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш чораларини кўришимиз лозим.

Хулоса шуки, қатъият ва талабчанлик билан ишласак, жойлардаги муаммолар ҳал бўлади, одамларга фойдамиз тегади.

Робия КАЗИМОВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси
вазифасини бажарувчи.

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти



Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежининг фаоллар зали. Бу ерга «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичи ғолиблари, партия фаоллари, депутатлар биринкетин кириб келишмоқда. Саҳна байрамона безатилган. Танлов бошланишига бироз вақт бор. Фурсатдан фойдаланиб, Навоий вилоят партия кенгаши сектор мудир Латиф Азизов билан суҳбатлашдик.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2017»:

Навоий вилоят босқичи қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди

— Танловга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди у. — Жорий йилда унинг қуйи босқичларида иштирок этиш мақсадида 800 мурожаат қабул қилинди. Зукко, билимдон ёшларнинг 10 нафари бугун вилоят босқичида иштирок этмоқда.

Саҳнага бошловчилар чиқиб келди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир неча йил аввал «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган.

Танлов аввалида Навоий вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Фазлиддин Темиров ҳамда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Умурбек Бектемировга сўз берилди. Улар давлатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-бора амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб ўтди. Иштирокчиларга омад ва зафарлар тилади.

Шундан сўнг иштирокчилар лойиҳа тақдими тартини ўтказди.

Томди туманидан Лазиз Раҳимов «Саҳродаги бўстон» деб номланган лойиҳаси ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, туманда асосан чорвачилик ривожланган. Томорқа ерларидан унумли фойдаланиш долзарб масалага айланган. Агар хонадонларда иссиқхона ташкил этиб, полиз экинлари етиштириш ҳамда гул қўчатлари парвариш-лаш йўлга қўйилса, банд аҳоли сони янада ортади. Шунингдек, кўча ва хибонларни кўкаламзорлаштириш учун гул қўчатларини қўшни туманлардан келтиришга ҳолат қолмайд.

Лойиҳада иссиқхона ташкил этишининг самарали жиҳатлари, тижорат банкидан олинган кредит ва уни қайтариш чоралари аниқ кўрсатиб берилди.

Зарафшон шаҳридан Суҳроб Саломов «Фаол фуқаро» деб номланган лойиҳаси тақдимотини ўтказди.

— Жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш партияимизнинг устувор вазифасидир, — деди у. — Шу боис ҳам бундай кишиларни доимо рағбатлантириб бориш зарур. Айрим имконияти чекланган фуқароларнинг қўлида ҳунари бор. Улар ҳунармандчилик, тикувчилик, тўқувчилик, тунукасозлик юмушларини бажара олади. Шундай экан, улар тайёрлаган маҳсулотлар кўрғазмасини ташкил этиш ва сотиш ишларини амалга оширишга кўмаклашиш лозим. Шу орқали уларни фаол ҳаётга жалб этишимиз мумкин.

Ҳар бир иштирокчи ўз лойиҳасининг самараси, афзалликлари ҳақида гапириб берди. Танловга бир-биридан қизиқарли лойиҳалар тақдим этилди. Хусусан, қизилтепалик Гулҳаё Мухторованинг «Жамоавий тадбиркорлик», Навоий шаҳридан Одилжон Баҳриддиновнинг ҳудудда туризмни ривожлантиришга оид лойиҳалари кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

«Билимдон сиёсатчи» шартда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сиёсий партиялар, парламент, сайловлар, ёшлар масалаларига оид қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари, Президент асарлари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастури ҳақидаги саволларга жавоб қайтаришди.

Нотиклик санъати билан боғлиқ шарт ҳам қизиқарли ўтди. Жойлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Навоий шаҳридан Одилжон Баҳриддинов танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлнамани қўлга киритди.

Иштирокчиларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Илхом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Ривожланишнинг Ҳаракатлар стратегияси: амалиёт, самара ва истиқбол» мавзuida семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини тубдан юксалтиришга ҳам хизмат қилаётгани таъкидланди.

Семинарда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2016 йилдаги фаолияти яқунлари ҳамда жорий йилнинг ўтган беш ойи давомидаги фаолияти натижалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 2016 йилда молиялаштирилган давлат грантлари асосида амалга оширилган лойиҳалар, жорий йилда эълон қилинган танловлар йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг низоми талаблари доирасида фаолият юритиши, белгиланган вазифаларни бажариши, қўлга киритилган давлат гранти маблағларини мақсадли сарфлаши зарурлиги уқтирилди.

Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди ўтказган давлат гранти 1- ва 2-танловлари ғолибларига сертификатлар топширилди.

Икром АБВАЛБОВЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан



СЕРГЕЛИДА МЕҲНАТ ЯРМАКАСИ

Сергели туманидаги Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида йигирмага яқин корхона, ташкилот ва муассаса мингдан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Мазкур ярмарка Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси, Сергели тумани ҳокимлиги, туман бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда тумандаги касб-хуна колледжлари битирувчилари, ишсиз фуқаролар иштирок этди.

Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Х.Бобохонов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун зарур шароит яратиш, касб-хунарга йўналтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони аҳоли бандлигини таъминлаш борасида янгича ёндашувларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлаётди. Мазкур фармонда ишсиз аҳолини, ёшларни, авваламбор касб-хуна колледжи битирувчиларини, шунингдек, аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини ихтисослаштирилган иш ўрни ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли ва иш берувчилар учун меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш йўли билан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш вазифалари белгиланган.

— Сергели туманида фаолият юритаётган 7 касб-хуна колледжини жорий йилда 2 минг 662 ўқувчи тамомлайди, — дейди ХДП Сергели тумани кенгаши раиси Мирзохид Хидиров. — Мазкур тадбирдан қўзланган асосий мақсад ёшлар, касб-хуна колледжлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилаларни манзил-лаш бора-бора янгича ёндашувларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлаётди. Мазкур фармонда ишсиз аҳолини, ёшларни, авваламбор касб-хуна колледжи битирувчиларини, шунингдек, аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларини ихтисослаштирилган иш ўрни ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли ва иш берувчилар учун меҳнат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш йўли билан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш вазифалари белгиланган.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва мутасадди ташкилот раҳбарлари иштирокда битирувчи ёшлар билан ўқув-семинар ўтказилди. Сергели политехника касб-хуна колледжи ўқувчиси Гулжамол Эргашева сингари ташаббускор ва ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган 9 коллеж битирувчисига банклардан имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди.

Моҳиғул ҚОСИМОВА,
ЎЗА муҳбири.

Партия кенгашлари раислари «бу мурожаат депутатга тушган, уни ҳал этишга ўзи масъул», деган нотўғри фикрдан воз кечиши керак.

HUAWEI:

БИЗ БИРГАЛИКДА ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқда. Ҳар бир шартномага мамлакат тараққиёти ва истиқболи нуқтаи назаридан ёндашилмоқда. Ўзбекистон ўзининг муҳим стратегик ҳамкори — Хитой билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Биз ишончли ҳамкорларимиздан бири Huawei компаниясининг Шеньчжендаги қароргоҳида бўлиб, унинг ташқи алоқалар бўлими вице-президенти Уолтер Дженнингс билан учрашдик ва компания фаолияти, Ўзбекистонга мўлжалланган лойиҳалар ҳақида суҳбатлашдик.

— Huawei дунё рейтингига жуда тез ривожланиб бораётган компаниялардан бири, деб эътироф этилади. Бунинг асосий сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Биласизми, мен ўзим ҳам шу саволга ҳамisha жавоб излайман. Мана қаранг, бундан 30 йил аввал, яъни 1987 йилда жаноб Жень Чжэнфэй атиги 5680 доллар низом жамғармаси билан иш бошлаган. 2016 йилда компания 75,6 миллиард долларлик товар айланмасига эришибди. Ақл бовар қилмас юксалиш! Биз учун чегараланган иш вақти деган тушунчанинг ўзи йўқ. Биз ҳар доим, кабинетда, корхонада, тушликда, брифингларда, куну-тун иш жараёнида бўламиз, иш ҳақида ўйлаймиз ва сўзлаймиз. Ишонинг, айрим лойиҳалар муҳокамаси ҳатто тушимда ҳам давом этади.

Компаниянинг каттадан кичигача ҳаммаси фидойи одамлар. Бу, бандларнинг гап эмас. Компания иқтисодий раънақи, даромади, нуфузидан барча баробар манфаатдор. Жаноб Жень Чжэнфэйнинг ғоят муҳим иш юритиш услубларидан бири шуки, компания аъзоси, у ишчилиги, муҳандисони, бошқарувчилари, қайси лавозимда бўлмасин — акциядор бўлиши керак. Шунда у пировард натижадан манфаатдор бўлади. Энди унга насихатнинг кераги йўқ. Ҳозир Huaweiда 170 мингдан зиёд одам ишлайди. Акциялар улар орасида тақсимланган. Компания асосчиси жаноб Жень Чжэнфэй эса ўзида 1,4 фоиз акция қолдирган, ҳоло.

— Симсиз алоқа ва телекоммуникация соҳасида етакчи бўлиб туриш осон бўлмас керак?

— Албатта. Huawei лойиҳалари дунёнинг 170 мамлакатига қўлланилмоқда. Лекин биз бу натижа билан тўхтаб қолмоқчи эмасмиз. Дунёнинг юздан зиёд пойтахт шаҳарларида бизнинг «Хавфсиз шаҳар» лойиҳамиз ишга солинган. 300 дан зиёд молия идоралари, аввало, энг йирик ва машҳур банклар тизими, сув кемалари, темир йўл ҳаракати соҳасида бундай хизмат турларидан фойдаланилмоқда. Биргина 2016 йилда Huawei бренди билан 130 миллион донга смартфон сотилди... Компаниямиз 56 мингта иختиро лицензиясини олган. Дунёнинг 16 мамлакатига йирик илмий марказлар тузганмиз ва улар маҳсулотларимизни такомиллаштириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш устида изланяпти. Биз ҳар йили даромаднинг 10-15 фоизини ана шу илмий марказларга сарфлаймиз. 2016 йилда у 7,5 миллиард долларни ташкил этди. Бу рақамлар ортида илмий асосланган ғоят машаққатли меҳнат турибди.

— Бугун Ўзбекистонда ҳам Huawei маҳсулотни қириб бормаган, унинг хизматидан фойдаланмайдиган бирон хонадонни топиш қийин...

— Бизнинг маҳсулот ёки хизматдан дунёнинг ҳар учинчи одами фойдаланяпти.

1999 йилда Ўзбекистон алоқа ва телекоммуникация бозорига кириб келдик. Юнител, Билайн, Узмобайл бизнинг лойиҳалар асосида ишлади. Ҳозир юртингиздаги бўлинмамизда 300 дан зиёд мутахассис бор, уларнинг 75 фоизи маҳаллий ёшлардир. Биз Ўзбекистонда фақат бизнесимизни ривожлантирмаймиз, Тошкент ахборот технологиялари университетида оталик ёрдами ҳам кўрсатамиз. Янги ишланмалар, ёш олимлар, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш жамғармаси бор. 200 дан зиёд талаба ва мутахассис Huawei компаниясида малака оширди. Бу йилдан ИНХА университети талабалари ҳам Хитойда амалиёт ўтайдилар. Бундан ташқари, мамлакатингизда



стол тенниси, бокс федерацияларини қўллаб турамиз. Ҳозир эса Ўзбектелеком билан ҳамкорликда жуда катта сифимга эга электрон ахборот банкни, Халқ таълими вазирлиги билан электрон таълим тизимини яратмоқдамиз. Трансгаз тармоғига SCADA Telescom лойиҳасини тақдим этдик. Буларнинг ҳар бири Ўзбекистон учун аҳамиятли лойиҳалардир.

лаштириш, симсиз алоқа ахбороти хавфсизлигини мустаҳкамлаш, смартфон, фотоаппарат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақамли технологияни кенг жорий этиш, информацияни технологиялар илмий марказини очиш каби лойиҳалар устида ишлар олиб боришмоқда. Ўйлайманки, уларнинг жорий этилиши Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсир қилиш билан бирга

керак. Шунинг учун ички сиёсатда очиқлик принципини танлаганмиз. Ҳатто компания бошқарувида ҳам шундай. Раиснинг учта ўринбосари бор ва улар навбат билан олти ойдан компанияни бошқарадилар.

Инсоний дўстлик туйғуси қалбимизда. Натижадан қониқмаслик, олға интилиш муваффақият калити деб ҳисоблаймиз.

Дунё ОНЛАЙН ахборот тизимига ўтиб борапти. Биз шундай услубда ахборот матни ва тасвирини узатадиган смартфонлар ишлаб чиқаришни беш баробар кўпайтирмаймиз...

Стратегик режаларимиз, бу компаниянинг ички хизмат ахбороти бўлса-да, уни ўзбекистонлик ҳамкорлардан яширмаймиз.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.

— Биз Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларни амалга оширишга бироз бўлса-да улушимиз қўшилишдан бахтиёрмиз. Ўзбекистон Президенти жаноб Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташифи ғоят самарали бўлди ва имзоланган ҳамкорлик шартномаларининг бири Huawei компанияси билан экани бизда фахр уйғотади. Биз бразилида янада юксакроқ марраларни эгаллаймиз.

Суҳбатдош
Муҳаммадхон ОБИДОВ
Тошкент-Пекин-Шеньчжен.

Очиқлик, дўстлик, интилиш. Бу бизни етаклаётган ғоялар. 170 минглик жамоа бир тану бир жондек ишламаса, бугунги натижага эришиб бўлмасди. Биз ҳар биримизга ишониб ишлашимиз керак.

Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун қулай муҳит ва қонунчилик асосларини яратган. Қолаверса, дунёда ўзбек халқидек очиқ кўнгли, меҳмондўст одамларни учратмаганман. Шунинг учун Huawei Ўзбекистонда фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорлик тармоқларини қўпайтириш ниятида. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасини компьютер-

аҳоли турмуш даражаси янада юксалишига хизмат қилади.

— Компаниянинг шиори қандай?

— Очиқлик, дўстлик, интилиш. Бу бизни етаклаётган ғоялар. 170 минглик жамоа бир тану бир жондек ишламаса, бугунги натижага эришиб бўлмасди. Биз ҳар биримизга ишониб ишлашимиз

Миллий матбуот марказида ОМОНАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Яқинда «Асака» акциядорлик тижорат банки томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда банк томонидан нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ва аҳолининг буш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

— Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасига ўтказилган маблағлар миқдори жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 3 миллиард сўмини ташкил этди, — дейди «Асака» акциядорлик тижорат банкининг пул муомаласи ва чакана банк хизматлари департаменти мудири Баходир Мирбобоев. — Аҳоли омонатларининг асосини ташкил қилувчи муддатли омонатлар қолдиғи 2017 йил 1 июнь ҳолатига 699 миллиард сўмини ташкил этиб, жорий йил бошига нисбатан 133 миллиард сўмга ёки 123 фоизга ўсиши таъминланди. Ҳозирда омонатчилар сони 1,9 миллион нафардан зиёдни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 194 минг нафарга кўпайганидан далолатдир. Бугунги кунда аҳоли учун қулай шартлардаги 39 омонат тури жорий этилган бўлиб, 26 таси миллий валютада ва 13 таси хорижий валютадаги омонатлар ҳисобланади. Шундан миллий валютадаги 3 та янги омонат тури жорий қилинди.

Банкда кўрсатилаётган хизматлар қўланини кенгайтириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, СМС-хабарнома хизмати жорий қилинган бўлиб, ушбу хизмат тури омонатчиларга ихтиёрий равишда ўрнатилди. Унинг қулайлиги — омонатчи депозит ҳисоб-варағидаги барча ўзгаришлардан мобил телефони орқали доимий равишда хабардор бўлиб туради.

Шунингдек, тадбирда миқозларга ўз омонатларига ҳисобланган фойзаларни банкнинг интернет сайти орқали билиш имкониятини яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилаётгани тўғрисида маълумот берилди.

Анжуман сўнгida журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Ўз мухбиримиз.

Қарор ва ижро

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИГА

бозор механизмлари жорий этилмоқда

Президентимизнинг «Газ таъминоти тизимида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди соҳани ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Улуғбек Ашуров ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:

— Мазкур қарорда газ таъминоти соҳасида бошқаруving самарали тизимини шакллантириш ҳамда бозор иқтисодиёти механизмларини янада кенгрок жорий этиш, тармоқни модернизация қилиш учун инвестицияларни кенг қўламда жалб қилиш, шулар ҳисобидан техник ва технологик янгиланишларни амалга ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, табиий газ ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш назарда тутилган.

Бундан кейин газ тақсимлаш тармоқларидан фойдаланиш ва табиий газни сотиш вазифаси туман (шаҳар) филиаллари ҳамда уларнинг участкаларига ўтказилган танловларда ғолиб чиққан хусусий операторларга ишончли

бошқарув шартномаси асосида берилади.

Қарорда газ таъминоти объектилари бириктирилаётган туман (шаҳар) филиаллари ҳамда уларнинг участкалари рўйхати ҳам белгиланган. Қорақалпоғистонда «Кегейлитумангаз», Сурхондарёда «Жарқўргонтумангаз», Сирдарёда «Янгиершаҳаргаз», Тошкент вилоятида «Янгийўлтумангаз», Фарғонада «Олтиариктумангаз» ҳамда Хоразм вилоятида «Янгиариктумангаз» филиали объектилари хусусий операторлар ваколатли бошқарувига ўтказилади. Тошкент шаҳрида бу вазифа билан Бектемир туманининг «Бектемиртумангаз» ташиқоти шуғулланади.

Хусусий операторлар табиий газ сотишни ишончли бошқарув шартномасига асосан, табиий газ сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олмасдан, лицензия талаблари ва шартларини бажарган ҳолда амалга оширади.

Янгича ёндашувнинг ўзига хос томони шундаки, хусусий операторларга сотилган газ таннархсининг 21 фоизигача бўлган миқдорда мукофот пули берилади.

Бундан ташқари, хусусий операторлар ишчилар сонидан қатъи назар, ягона солиқ тўловини тўлайди.

Бундан буён етказиб берилган табиий газ учун қарздорлиги сабабли газ тармоғидан узилган истеъмолчилардан газ тармоғига қайта уланиш истеъмолчилардан газ тармоғига қайта уланиш учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида тўлов ундирилади.

Уларнинг табиий ва сиқилган газни сотишдан туширган маблағлари бевосита «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ҳисобига ўтказилади.

Шунингдек, истеъмолчилар билан муносабатда ҳам янгича тартиблар белгиланди.

Бундан буён етказиб берилган табиий газ учун қарздорлиги сабабли газ тармоғидан узилган истеъмолчилардан газ тармоғига қайта уланиш учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида тўлов ундирилади.

Бундан ташқари, 2017 йил 1 октябрдан бошлаб газ ҳисоблагичи бўлмаган хонадонлар ҳозиргидан кўра, икки баробар миқдорида кўпроқ ҳақ тўлаши белгилаб қўйилди.


Истеъмолчиларга замонавий электрон табиий газ ҳисоблагичларини сотиб олиш ва ўрнатиш «Ўзтрансгаз» компанияси ҳисобидан амалга оширилади ва уларнинг қиймати кейинчалик истеъмолчилар томонидан бир йил давомида ундирилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
ёзиб олди.

РАНГ-БАРАНГ ДУНЁ

САЙЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

маълум қилинди



Буюк Британия парламентига сайловларда консерваторлар партияси пешқадамлик қилиб, парламентдаги 650 ўриндан 314 тасини қўлга киритди. Бироқ мутлақ кўпчиликка эришиш учун яна 12 ўрин зарур.

Лейбористик партияга 266 ўрин теғди. Шотландия миллий партияси 34 ўрин билан 3-ўринни эгаллади.

Шу тариқа, бирорта партия қўйи палата — вакиллар палатасида мутлақ кўпчиликка эришгани, яъни барча ўринларнинг ярмидан кўпини олгани йўқ. Натижада айни вақтда ким ва қандай муддатга янги ҳукуматни шакллантириши маълумлигича қолмоқда.

Янги ҳукумат шакллантирилгунча, парламентнинг аввалги таркиби ўз вазифаларини бажаришда давом этади.

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТИ

императорга тахтдан воз
кечишга рухсат берувчи
қонунни қабул қилди



Япония юқори палатаси император Акихитога тахтдан воз кечиш ва бошқарувни, унинг тўнғич ўғли меҳросхўр шаҳзода Нарухитога бериш тўғрисидаги махсус қонун лойиҳасини тасдиқлади. Овоз беришда 242 депутатдан 235 нафари иштирок этган ва уларнинг барчаси ҳужжатни қўллаб-қувватлаган.

Қонуннинг қабул қилинишига Акихитонинг ўз халқига қилган тарихий муносабати сабаб бўлган. 2016 йилнинг августиди император ёши бир жойга бориб қолгани туфайли ўз мажбуриятларини бажара олишидан хавотирда эканлигини маълум қилган эди. Аммо айни вақтда Япониядаги қонунчиликка кўра, меҳросхўр фақат император вафотидан сўнг тахтга чиқиши мумкин эди. Япония ҳукумати бу қонунга ўзгариш киритишни лозим топмади. Уларнинг фикрича, бундай ўзгаришлар келажақда императорларга сиёсий босим ўтказилишига олиб келиши мумкин эди. Натижада, тегишли қонун Акихито учун махсус ишлаб чиқилди.

Қонунга мувофиқ, Акихито тахтдан воз кечгандан сўнг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқа имтиёзларни сақлаб қолади.

Охириги марта Япония императори 1817 йилда тахтдан воз кечган эди.

БЕҚАРОР ЭПИДЕМИК ВАЗИЯТ сақланиб қолмоқда

Яманда тарқалган вабо эпидемияси қўллаб қишлоқларнинг умрига зомин бўлмоқда. Бу ҳақда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига асосланиб, Интерфакс ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Шу кунгача мамлакатнинг 19 вилоятида 101 820 кишининг вабо билан оғиргани ва 789 киши ушбу касалликдан вафот этгани қайд этилган.

Яманда вабо ўчоғи пайдо бўлгани 27 апрель куни маълум бўлган эди. Мамлакатнинг энг йирик шаҳрларидан бири Санада фавкулудда ҳолат тартиби жорий этилган.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши «Ўзгеобурнефтвергаз» акциядорлик компанияси бош технологи, партия фаоли Хайридин МУХТОРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

2017 йил 1 октябрдан бошлаб газ ҳисоблагичи бўлмаган хонадонлар ҳозиргидан кўра, икки баробар миқдорида кўпроқ ҳақ тўлаши белгилаб қўйилди.

«ИНСОНИЙЛИКНИНГ ЮКСАК ЧЎҚҚИСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА КЎРДИК»

«National Geographic»нинг Россиядаги бўлими ходимлари Ўзбекистон бўйлаб фотосаёҳат уюштирди. Ушбу сафар иштирокчиларининг таассуротлари боён қилинган мақола мазкур нашрнинг веб-сайтида эълон қилинди. Биз уни бироз қисқартирган ҳолда газетхонларимиз эътиборига ҳавола қиламиз.

ВАҚТ БЎЙЛАБ САЁҲАТ


Москвадан Самарқандга учиб келгандаёқ ўзимизни бошқа даврга тушиб қолганлик ҳис этдик ва бу туйғу бутун саёҳат давомида бизни тарқ этмади. Бу ерда 500 йил аввал бўлгани каби, одамлар озиқ-овқатларни бозорлардан сотиб олмоқда, уларнинг эндида миллий либослар. Ҳатто энг кичик кафеда ҳам сизга чиройли сопол идишларда чой келтиришади. Бу ерда ҳамма нарсадан қадимийлик уфуриб турибди: Ўзбекистон халқи аждодларидан қолган ўтмиш меросига ҳурмат билан муносабатда бўлмоқда.

Мамлакатнинг тарихий марказлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хивада барчаси бир неча аср олдин қандай бўлса, ўшандайлигига сақланмоқда. Агар қайсидир иморатга зиён етadиган бўлса, уни реконструкция

қилишади. Буюк Соҳибқирон ва унинг авлодлари қабри жойлашган Амир Темур мақбарасида сайёҳлар сони ҳаддан ташқари кўплигига гувоҳ бўлди.

ОДАМЛАР

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳоли ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг миллий қадриятларни асраш ва унга амал қилиш борасидаги интилишларини бутун дунёга намуна қилиб кўрсатса арзийди. Биз фотопаратларимизни қўлимиздан тушира олмадик. Шундай ҳолатлар ҳам бўлдики, улар ҳам бизни суратга олишди. Ўзбекистоннинг сайёҳларни энг ҳайрон қолдирадиган жиҳатларидан бири — одамларнинг очикқўнғил, самимий эканлигидир. Бу ерда юқори даражадаги меҳмондўстликка гувоҳ бўлдик: кўчалардаги йўловчилар, бозорлардаги сотувчилар, умуман ҳамма бизга



азиз меҳмон эканлигимизни айтиб, бир пиёла чойга таклиф қилар эди. Биз инсонийликнинг юксак чўққисини Ўзбекистонда кўрдик. Бу ҳиссиёт бизни бутун саёҳат давомида тарқ этмади.

Бозорлар ҳақида гапирмасак бўлмайди. Расталар бўйлаб юрар эканмиз, ҳар биридан нимадир олиб еб боравердик. Шу сабабли ҳам делегациямиздан кўпчилик ортқча вазн билан ортга қайтди.

ТАОМЛАР

Бир фикрни қомил ишонч билан айта оламиз: ўзбек таомлари ва шарқона дастурхон ҳақида ушбу фотосаёҳат иштирокчилари ҳали кўп вақт гапириб юради. Биринчидан, Ўзбекистонда «порция» умуман бошқача экан. Овқат кўп-лигидан у сузилган идишнинг четлари мутлақо кўринмайди. Иккинчидан биз ўзимиз билан каттароқ жомадон олиб келма-


ганимизга ачиндик. Сабаби, бу ердаги неъматлардан татиб кўргач, юртимизга мазасининг тенги йўқ ширинликларни ҳам, зиравор ва қуруқ меваларни ҳам олиб кетишни истадик. Тўғриси айтишимиз керак, бизда бундай неъматлар йўқ.

Ўзбек ошхонаси ҳақида гапирар экансан, паловга тўхталмай илоҳинг йўқ. Ахир ўзбекларда палов шох таом ҳисобланади. Биз қаерга бормайлик, ўша ердаги одамлар ўзлари тайёрлайдиган палов энг

мазали эканини таъкидларди. Биз ҳам турли жойларда еган паловларимизни солиштириб кўрдик ва барибир бир тўхтамга кела олмадик. Ҳаммаси ўзига хос эди.

Ўзбекистондан қайтар эканмиз, барчамизни бир истак қамраб олган эди: бу ерга албатта, яна келамиз. Кейинги сафар ўзимиз билан каттароқ жомадон олишни ҳам унутмай-миз.

Темур АбЗАМ тайёрлади.



Спорт

Вьетнамда таэквондо (WTF) бўйича кадетлар ўртасида II Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Керуги ва пумсе йўналишлари бўйича ўтказилган мусобақада 20 га яқин мамлакатдан спортчилар иштирок этди. Унда терма жамоамиз аъзолари 2 олтин, 2 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритди.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ВЬЕТНАМДАН 12 МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Мусобаканинг керуги йўналиши бўйича Азизбек Раҳмонбердиев олтин, Амир Тураев ва Муниса Каримова кумуш медал соҳиб бўлди. Шунингдек, Даниил Ким, Ирода Миртожиева, Ксения Смирнова ва Севинч Мусирова ўз вазн тоифаларида бронза медални билан тақдирланди.

Пумсе йўналишининг яққалик баҳсларида иштирок этган Ирода Умрзоқова олтин, Айнура Умрзоқова ва Исомбек Ражаббоев бронза медалларига сазовор бўлди. Шунингдек, мазкур йўналишнинг жуфтиқлар ўртасидаги баҳсларида Ирода Умрзоқова ва Исомбек Ражаббоев бронза медалларини қўлга киритди.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Пойтахтимизда шохмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лига мусобақалари бўлиб ўтди. Мазкур чемпионат Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда мамлакатимиз шохмат федерацияси томонидан ташкил этилди.

Чемпионатнинг эркаклар ўртасидаги баҳсларида ФИДЕ устаси Алишер Бекмуродов ўн бир имкониятдан 7,5 очко жамғариб, олтин медални қўлга киритди. 7 очкодан жамғарган Шамсиддин Воҳидов ва Акмал Файзуллаев қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳслар тўққиз турдан иборат бўлди. Мусобақа натижасига кўра, 6,5 очко жамғарган Нодира Нодиржонова Ўзбекистон чемпиони бўлди. Иккинчи ўрин Гулрухбегим Тоҳиржоновага насиб этди. Чемпионатни 5,5 очко билан яқунлаган Баҳора Абдусатторова учинчи ўринни эгаллади.

Энди Нодира Нодиржонова жорий йилнинг сентябр ойда Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказиладиган Ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида мамлакатимиз номидан иштирок этади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шаҳбоз САИДОВ тайёрлади.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АРХИВ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

9 июнь — Халқаро архивлар куни муносабати билан Тошкент шаҳар давлат архивининг Учтепа тумани филиали биносига Архив хизматларини кўрсатиш маркази очилди.

«Узархив» агентлиги бош директори У.Аъламов ва бошқалар архив муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, уларда замон талаблари асосида иш юритишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар фуқароларга иқтисодий соҳада кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда архив соҳасини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси миллий архив фонди ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисо-

ботини юритиш, сакловини таъминлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда архив муассасаларига жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган сўровлар ва мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида олти минг саккиз минг тўрт юздан зиёд сўров келиб тушган. Уларнинг учдан бир қисми Тошкент шаҳри ҳудудига жойлашган 5 архив

муассасасига тўғри келмоқда.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилган мазкур марказ пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган архивларга келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровлари ва мурожаатларини марказлаштирилган ҳолда «Ягона дарча» тамойили асосида бир жойда қабул қилиш, қайта ишлаш, ижрочиларга юбормиш, ижросини назорат қилиш, тайёрланган архив маълумотномаларини ўз эгаларига тақдим этиш ишларини мувофиқлаштириб боради. Марказ мутахассислари томонидан фуқароларга архив фондлари ва

ташкilotларнинг ҳужжатлари сақланаётган жой манзили тўғрисида тезкор маълумотлар берилди.

Марказда архив соҳасида катта тажрибага ва компьютер саводхонлигига эга бўлган мутахассислар фаолият юритади. Марказда бир вақтда 12 фуқаронинг сўрови қабул қилиниб, электрон навбат тизими жорий этилган.

— Жорий йилда архив муассасаларига 1 минг 700 дан ортиқ тадбиркорлик субъектидан ҳужжатлар қабул қилинган, — дейди Тошкент шаҳар давлат архиви директори Феруза Дадаева. — Авваллари тадбиркорлар ҳужжатларини архивга «топириш» жараёнида баъзи овозгарчиликлар бўлар эди. Ташкил этилган ушбу марказда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг архив ҳужжатлари марказлашган ҳолда давлат сакловига қабул қилинади. Мулкчилик шаклидан қатъи

назар, ташкilotларга ушбу марказ хизматидан фойдаланиб, архив ҳужжатларини сакловга ёки депозитар сакловга топшириш имконияти яратилди.

Марказнинг ишга туширилиши, биринчи навбатда, Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида жойлашган архивларга бориш билан боғлиқ фуқаролар ва тадбиркорларнинг ортқча овозгарчилигининг олдини олиб, вақт ва маблағ сарфлашни бартараф этади.

— Марказнинг ишга туширилиши фуқаролар, айниқса, кексалар учун жуда қулай бўлди, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қилувчи Муромат Содиков. — Бу ерга пенсияга чиқиб ҳужжатларини тайёрлаш учун келдим. Марказ мутахассислари менга бу борада йўл-йўриқ кўрсатиб, керакли маълумотларни тез ва осон тақдим этди.

Г.САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

Реклама ва эълонлар

«Qo'lyiq dehqon bozori» АЖнинг

2017йил 18 май ҳолатига аффилиланган шахслари ҳақида маълумот:

№	Ф И Ш ёки тўлиқ номи	Манзили	Аффилиланганлик келиб чиққан асослари	Аффилиланганлик келиб чиққан сана	Олдий акциялар сони
1	Тошкент шаҳар ҳокимияти СХКСИМИЧ департаменти	Тошкент ш. Миробод тумани, А.Темур шох кўчаси, 3	Жамият акцияларининг 20 фоизидан ортигига эгаллик қилади	13.03.1996 й.	919131
2	Ерматов Абдухалил	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015 й	Йўқ
3	Ҳакимов Рауф Арипович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015 й	Йўқ
4	Саримсоқов Алишер Тўхтамишевич	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015 й	Йўқ
5	Қамолов Толмас Каримович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015 й	Йўқ
6	Мирзаядиров Сардор Закиржонович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	18.05.2017 й	Йўқ
7	Иброҳимов Тўлқин	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	29.04.2016 й	Йўқ
8	Эргашев Шўхрат	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	18.05.2017 й	Йўқ
9	Шоисламов Файзулла Шоисламович	Тошкент шаҳар, М.Улғабек тумани, Баҳодир кўчаси, 10-а уй.	Директор вазифасини бажарувчи шахс	01.12.2015 й	Йўқ
10	«ELGA XIZMAT QO'YLUQ» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент ш, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони	Юридик шахс, шўба хўжалик жамияти	02.07.2014 й	Йўқ
11	«ELGA XIZMAT O'LY HIMMAT» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент ш, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони	Юридик шахс, шўба хўжалик жамияти	13.10.2015 й	Йўқ

Гувоҳнома № 259

ИП ООО "AMKODOR-TASHKENT"
официальный дистрибьютор в Республике Узбекистан

БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА

сменных рабочих органов

17 Многофункциональные погрузчики с бортовым поворотом

20 Экскаваторы-погрузчики (6 модификаций)

23 Погрузчики фронтальные и универсальные грузоподъемностью от 2 до 7 тонн

Узбекистан, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57.
Телефоны: (+998 94) 669-29-71, (+998 71) 283-42-18 (факс), 283-42-17.
E-mail: ajle@mail.ru, amkodortashkent@mail.ru Web-site: amkodor.uz

Автотрейлеры

Экскаваторы гусеничные и колесные

Автопогрузчики вилочные (3 и 5 тонн)

Коммунально-уборочные машины

Катки вибрационные

Электротрейлеры вилочные (1,2, 1,6, 2,5 тонны)

Машины фрезерные

Погрузчики с телескопической стрелой

Электротележки (2, 3-тонные)

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

БИЗНЕС ГОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

«Ўзмилийбанк» ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси таклиф қилади

Кредит линияси	Мин/максимал	Кредит шартлари
Корея Эксимбанкнинг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хом ашёни қайта ишлаш учун Кореядан усуқуналар харид қилиш. Кредит муддати: 5 йилгача
Хитой Давлат Тароқиёт Банкининг кредит линияси	100 минг АҚШ долларидан бошлаб	Хитойда ишлаб чиқарилган усуқуналарнинг уллуғи қамиди 50%ни ташкил этиши лозим. Кредит муддати: 5 йилгача
Коммерцбанк кредит линияси (Германия)	500 минг АҚШ долларини 500 минг Евродан бошлаб	Германияда ишлаб чиқарилган усуқуналарни харид қилиш учун. Кредит муддати: 7 йилгача

Биз сизга ҳамкор ва мададкор!

Мурожаат учун телефонлар:
«Ўзмилийбанк» — (0 371) 235-17-02, 234-45-33
Жамғарма — (0 371) 244-35-29, 244-35-60.

Гувоҳнома № 760

БУГУН Об-ҳаво маълумоти (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти **+35/+22**

Бухоро ва Навоий вилоятлари **+38/+22**

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари **+35/+20**

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари **+39/+23**

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари **+35/+20**

Тошкент шаҳри **+33/+19**

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihiddin Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi e chop etildi.
Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

г — 638
14333
naxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00:47
Topshirilgan vaqti — 01:35

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 6